# М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этилган Фармонларни тасдиқлаш чоғида ғоят мураккаб ва зиддиятли иқтисодий муаммолар синчиклаб кўриб чиқилди. Ҳозирги босқичда хўжалик юритишнинг ижара, хўжалик ҳисоби, кооперативлар, солиқ системаси каби энг асосий масалалари яна депутатларнинг диққат марказида бўлди.

Олий Совет давлат корхонаси тўғрисида илгари қабул қилинган қонунга киритган ўзгартишларни алоҳида эслатиб ўтса арзийди. Бу масала аввалига кун тартибида бўлмаганлиги ўзларингизга маълум. Унинг сессияга тақдим этилганлиги совет парламенти турмуш маромини аниқ пайқаб олаётганлигидан далолат беради. Иқтисодий ислоҳотнинг тезроқ олға силжиши учун имконият очиш мақсадида амалдаги қонунга тузатишлар киритишни айни турмуш тақозо этди. Катта иш қилинди, деб ўйлайман ва бунга тегишли тарзда баҳо берилади.

Ривожланишимизнинг ўткир, кечиктириб бўлмайдиган муаммолари юзасидан қарорлар қабул қилинганлигини съезд ва Олий Совет ишининг энг муҳим натижаларига киритиш кераклиги шубҳасиз. Мен аввало, икки кун илгари биз «Пенсия таъминоти ва аҳолига ижтимоий хизматни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қонунни назарда тутяпман. Халқ депутатлари жамият учун энг нозик бўлган шу масалани ҳал қилишни тезлаштиришни талаб этдилар ва зарур маблағларни излаб топишда ҳукуматга ёрдам бердилар. Партия, касаба союзлари, комсомол, тинчлик фонди, меҳнат коллективлари, бошқарув органлари, кўпгина бошқа жамоат ташкилотлари ўз ҳиссаларини қўшдилар. Зотан, мана шу амалий тадбир ҳар қандай гап-сўзлардан яхши бўлиб, халқнинг, биринчи навбатда унинг ёрдамга ғоят муҳтож табақаларининг энг муҳим талаб-эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилишни Олий Совет ўзининг бош вазифаси деб ҳисоблаётганлигидан далолат беради.

СССР Министрлар Советига пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни жадаллаштириш ва уни шу йилнинг ўзидаёқ тақдим этиш таклиф қилинди. Депутатларнинг топшириғига биноан чет эллардан товарлар ва дори-дармонлар сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинди, бу эса ички товар оборотини тахминан 10 миллиард сўмлик кўпайтириш имконини беради.

Ҳамма нарсани ҳам бирданига асло ҳал этиб бўлмайди, албатта. Ресурсларнинг чекланганлиги, мамлакат молиявий аҳволининг издан чиққанлиги, қайта қуриш суръатларининг секинлиги ўз таъсирини ўтказмоқда. Кузги ойларда биз иқтисодий ислоҳотга, мамлакатдаги иқтисодий вазиятни яхшилашга тааллуқли бўлган ва олисни кўзловчи қарорларни тайёрлаб, қабул қилишимиз лозим бўлади. Ўтмиш бизга мерос қилиб қолдирган хатоларни, кейинги вақтларда юзага келган муаммоларни ҳам бартараф этиш йўлига қатъий қадам қўйдик.

Олий Советнинг имтиёз ва афзалликлар комиссияси ишга киришди. Комиссия СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги тўртинчи бош бошқармасининг қарамоғида бўлган болалар даволаш-санаторий муассасаларини, бир қанча дам олиш уйларини шу асосда «она ва бола» типидаги комплекслар ташкил этиш мақсадида дарҳол умумий фойдаланишга топширишни таклиф этади. Мен бу таклифни тўғри деб ҳисоблайман. Ҳукуматнинг нуқтаи назари ҳам худди шундай. Москва областида давлатга қарашли бир қанча боғ-ҳовлиларни худди шу мақсадда илгари топширилганларига қўшимча равишда топшириш тўғрисида қарор қабул этилганлигини маълум қила оламан.

Комиссия иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига мурожаат этиб, жуда қисқа муддат ичида худди шундай қарорлар чиқариб, уларга ошкора тус беришни таклиф қилди.

Ўртоқлар, биз съезд ва СССР Олий Советининг мажлислари давомида экология муаммосини ҳал этишни кечиктириб бўлмаслигини тўла даражада ҳис этдик. Олий Советнинг кузги сессиясида экология хавфсизлиги масалаларини ниҳоятда ўткир қилиб қўйиш керак. Мамлакат бу соҳада ғоят қатъий чоралар кўрилишини талаб этмоқда. Олий Советнинг тегишли комитетлари ва комиссиялари миллий экология программаси ишлаб чиқилишини ўз назорати остига олишлари лозим. Бу ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришга доир шунчаки бир масала, атроф муҳитга салбий таъсир ўтказаётган корхоналарни гўё тозалашдан иборат шунчаки бир маҳаллий вазифа эмас, балки халқимиз яшашининг ўзига, унинг ҳозирги ва келгуси ҳаётига дахлдор масаладир. Биз уни ҳал этишга худди шундай ёндашишимиз лозим.

Шуни айтишим керакки, бугун экология комитетининг вакиллари биз кузда йиғилганимизда комплекс миллий программани ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилишини кутиб турмай, (бу программа ўн учинчи беш йиллик ва кейинги беш йилликларнинг таркибий қисми бўлиб қолиши керак) ҳукуматнинг, зарур ҳолларда эса СССР Олий Советининг ҳам қарорлари қабул қилиниши лозим бўлган ғоят муҳим муаммоларни ажратиш тўғрисидаги таклиф билан келдилар. Таътилдан сўнг бизнинг қайтиб келишимизгача мана шу таклифлар тайёрланади, биз эса уларга баҳо бериб, қандай иш тутишимиз тўғрисида аҳдлашиб ололамиз, деб ўйлайман.

Фаолиятимизнинг якунлари тўғрисида гапирар эканман, яна бир жиҳатни тилга олмасдан ўтолмайман. СССР Олий Советининг биринчи сессияси жуда мураккаб бир даврда бўлди. Очиғини айтганда, ўтган бир ярим ой мобайнида бизнинг том маънода бирорта ҳам осойишта кунимиз бўлмади.

Партия, ҳукумат органлари сингари СССР Олий Совети ҳам шу кунларда содир бўлган барча воқеалар ва можароли вазиятларга бевосита жалб этилди. Биз ҳаммамиз можароларнинг ўчоқларини қандай қилиб сўндириш, эҳтиросларни тинчлантириш, адолат бузилган жойларда уни тиклаш, азият чекканлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, келгусида бундай ҳодисаларнинг такрорланишига йўл қўймаслик ҳақида биргаликда кенгашиб турдик.

Мен шу ҳақда гапира туриб, аввало миллатлараро муносабатларни назарда тутяпман. Мазкур муаммоларни бирданига ҳал этиб бўлмайди, албатта. Ҳозир Миллатлар Совети Тоғли Қорабоғ автоном области бўйича, месхети турклари, қрим татарлари, совет немислари муаммолари бўйича тузган комиссиялар иш олиб бормоқда. Мамлакат барча халқларининг манфаатларини эътиборга олиб, етилган масалалар ҳар томонлама ўрганилмоқда, уларни ҳал этиш йўллари синчиклаб қидирилмоқда.

Бу иш мураккаб, аммо биз мана шу барча муаммоларнинг энг мақбул ечимларини биргаликда топишимиз лозим. Бундай ечимлар кескинлик йўлларида эмас, балки биргаликда амалий куч-ғайрат сарфлаш орқали топилиши мумкин. Ҳозир вазминлик ва ўзаро ҳурмат керак. Биз ҳаммамиз миллатлараро можаролар нимага айланиб кетиши тўғрисида ўйлашимиз лозим. Қочоқларнинг, шундай кулфатга йўлиққан кўпгина кишиларнинг тақдири тўғрисида алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Бундай кишилар ҳозир қаерда бўлишларидан қатъи назар уларга мумкин қадар кўпроқ эътибор бериш зарур. Энг муҳими эса — кўплаб қочоқларни келтириб чиқараётган сабабларни биргаликда ҳаракат қилиб, бартараф этиш лозим.

Мен бу ҳақда айтиб ўтишни яна шунинг учун ҳам зарур деб ҳисобладимки, кейинги кунларда эҳтирослар ҳали ҳамма жойда ҳам асло тинчилмаганлигидан, баъзи жойларда эса вазият ҳатто янада кескинлашганидан далолат берувчи сигналлар келиб турибди. Ўртоқлар, Олий Совет бизнинг барча халқларимизга яна мурожаат этиб, уларни вазминлик, сабр-тоқат кўрсатишга, ҳамкорлик қилишга, ярашишга, муаммоларни бартараф этишга чақириши керак, деб ўйлайман. Бундан бошқа йўл йўқ, бошқача ёндашув боши берк кўчага, инсоний фожиаларга олиб боради.

Мамлакатнинг кўмир қазиб чиқариладиган районларидаги иш ташлашлар биз учун жиддий синов бўлиб қолди. Шахтёрлар олға сурган талабларни меҳнат коллективлари билан биргаликда ҳал этиш учун партия, ҳукумат, касаба союзларининг зўр ғайрат билан баҳамжиҳат ҳаракат қилишларига тўғри келди. Шуни айтиш керакки, бунда мана шу районлардан сайланган депутатлар катта ёрдам бердилар, улар ўз сайловчилари ҳузурига бориб, вужудга келган аҳволдан қутилиш йўлларини излаб топишга фаол қўшилдилар.

Бугун бу ерда ҳукуматимиз қўрқиб кетди, оз бўлмаса, ваҳимага тушиб қолди, деган таъна сўзлари эшитилди. Аввало, темирйўлчиларнинг иш ташлаши эҳтимоли тўғрисидаги сигналлар олинганида ушбу масала хусусида менинг нутқим назарда тутилган бўлса керак, деб ўйлайман. Бундай шубҳа-гумонларни дарҳол рад этмоқчиман. Мамлакат раҳбариятида ваҳимага тушиш кайфиятлари йўқ, ваҳолонки, баъзи кимсалар аҳвол айни шундай, деган фикрни тиқиштиришга уринишмоқда. Аммо, раҳбарият мана шу қийин кунларда ҳеч қандай сохта далдасиз, реал хавотирликни, содир бўлаётган воқеаларга берилган баҳони жамиятга етказиб, бундай воқеаларнинг ривожланиши нимага олиб келиши мумкинлигини тўппа-тўғри айтди. Менимча, халқ билан рўй-рост, ҳалол мулоқот олиб бориб, биз тўғри, масъулият билан иш тутдик. Бу — ваҳима эмас, балки биз қайта қуриш деб атаётган нарсадир. Ўзларининг ғаразлик ва худбинлик мақсадлари йўлида шу мавзудан фойдаланаётган барча танқидчиларга жавоб мана шундай.

Мазкур масалаларнинг сессияда муҳокама этилганлиги ҳам, СССР Олий Советининг мамлакатга ғоят катта зиён етказаётган иш ташлашларни мумкин қадар тезроқ тўхтатишга даъват этиб қабул қилинган мурожаатномаси ҳам катта роль ўйнаганига шубҳаланмаса бўлади.

Биз ҳаммамиз содир бўлган воқеадан сабоқ чиқариб олишимиз керак. Қайта қуриш, демократиялаш, ислоҳотлар шароитида юзага келадиган барча муаммолар ҳокимият ва бошқарув органларининг аҳоли бирон-бир группаси учун ва бутун жамият учун мақбул ечимларга эришиш мақсадида меҳнаткашлар билан амалий мулоқот олиб бориш йўлларида ҳал этилиши лозимлиги ана шу сабоқларнинг энг муҳимидир. Булар албатта ҳозир мамлакатимиз эга бўлган реал имкониятлар негизида ҳал этилиши лозим.

Бунда марказ билан жойларнинг узвий баҳамжиҳат ҳаракати айниқса зарур. Мен бу мавзуда илгари ҳам гапирган эдим. Бир қанча ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга биз дуч келган ҳозирги пайтда кадрларнинг бир қисмида айбни ўзларидан соқит қилиб, уни ўзгаларга ағдариш майли бўлганлиги сир эмас. «Қуйида» ҳам, марказда ҳам шундай ҳол мавжуд.

Мана ҳозир маҳаллий раҳбарлар марказий органлар ва идораларни кечириб бўлмас барча гуноҳларда айблай бошламоқдалар, ўз навбатида марказий органлар ва идоралар эса жойлардагиларга фаолиятсизлиги, тайёрга айёрликка мойиллиги, умумиттифоқ ресурсларидан кўпроқ нарса ундириб олишга интилиши учун таъна қилмоқдалар.

Ҳар иккала томоннинг таъналарида ҳақиқат улуши бор, албатта; уларнинг қайси бири кўплигини ҳар бир конкрет ҳолда аниқлаб олиш керак. Бироқ хато ва ўпирилишлар учун айбни бир-бирига тўнкашдан кўра меҳнатни, ҳуқуқлар, ваколатлар, масъулиятни яхши мутаносиб ҳолда ва пухта тақсимлаш анча муҳимроқ бўлса керак. Аслини олганда, ўртоқлар, бу ҳозир барча ислоҳотлар — ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий ислоҳотларнинг бош масаласидир. Олий Совет ҳозирдаёқ бир қанча тегишли қарорларни қабул қилди, аммо, бу йўналишда биз ҳали талайгина ишлашимиз керак бўлади.

Виждонан эътироф этганда, биз ҳозирча истаётган даражадаги силжишларга эришишга муваффақ бўлмаган бошқа бир соҳа тўғрисида ҳам гапираман. Бу — жиноятчиликка қарши курашдир. Кейинги вақтларда жиноятчилик хатарли кўлам касб этганлигидан биз ҳаммамиз ҳаққоний ташвиш ва ғазаб туйғусини бошдан кечирмоқдамиз. Бунинг заминида муайян иқтисодий ва ижтимоий сабаблар борлиги шубҳасиз, аммо, биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти заифлашганлиги уларга жамоатчилик етарлича ёрдам бермаётганлиги ва истасангиз уларнинг фаолияти зарур ҳуқуқий нормалар ва йўл-йўриқлар билан дуруст таъминланмаганлиги бунинг сабабларидир.

Биз сизлар билан суд-ҳуқуқий ислоҳотни амалга ошириш билан боғлиқ қонун актлари тайёрлашни жадаллаштириш тўғрисида умумий шаклда топшириқ бердик. Бироқ очиғини айтганда, Олий Советнинг ушбу сессиясида ўзимизнинг принципиал позициямизни айтмасдан кетаётганлигимиздан менда, ўйлайманки, бошқа барча депутатларда ҳам қаноат ҳосил бўлмади. Шу боисдан мен СССР Олий Советининг «Жиноятчиликка қарши курашга доир қатъий чоралар тўғрисида»ги қарори лойиҳасини сизларнинг муҳокамангизга ҳавола қилишни зарур, деб топдим. Унинг қабул қилиниши бу курашда янги босқични бошлаб беради. Буни жамият маъқуллашига, биз қарор асосида ташкил этадиган янги органларнинг ҳаракатларини барча совет кишилари қўллаб-қувватлашларига ишончим комил.

Олий Совет биринчи сессиядаёқ халқаро масалаларни кўриб чиқишга киришди. Ядро протлатишларини ўтказмаслик ва ядро синовларини тўхтатиш масаласи юзасидан АҚШ конгрессига мурожаатнома қабул қилинди. СССРнинг учта халқаро акти ратификация этилди. Қўшма корхоналар барпо этиш ва чет эллардаги совет савдо ваколатхоналари масаласига оид фармонлар тасдиқланди. Давлат, парламент делегацияларини бир-бирига юбориб туриш режалари белгиланди. Депутатлар Буюк Британия, Франция ва ГФРга сафарларнинг якунлари тўғрисидаги, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши ҳақидаги, Олий Совет делегациясининг Бразилия, Аргентинага сафари тўғрисидаги ахборотларни тингладилар. Вакилларимизнинг Яқин Шарқ хусусидаги халқаро парламент конференциясида қатнашганликлари тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

Биринчи сессияда бажаришга муваффақ бўлинган ишларнинг қисқача шарҳи мана шулардан иборатдир. Ўртоқлар. Кўриб турибсизларки, биз ўз ишимиздан қанчалик қаноат ҳосил қилмаган бўлишимизга қарамай, муваффақиятларимиз жумласига қўша оладиган натижалар бор.

Аммо биринчи сессиянинг якунлари шундангина иборат эмас, албатта. Бу якунлар салмоқлироқ ва жуда хилма хилдир. Олий Совет ички сиёсатнинг кўпгина йўналишларида ижобий омиллар берди. Бунда мен, аввало, съезддан сўнг унинг иши маҳаллий ҳокимият органларига кучли далда берганлигини таъкидлаган бўлур эдим. Халқ депутатлари Советларининг навбатдан ташқари сессияларини фармойиш берувчи ва ижрочи органларнинг ҳисоботлари билан ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қарор муҳим аҳамиятга эга деб ўйлайман. Регионларнинг социал-иқтисодий программаларини бажариш, қайта қуришга халақит қилаётган барча нарсаларни қатъиян бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш масалалари сессияларнинг марказига қўйилади.

Республика ва маҳаллий органларга бўлажак сайлов муносабати билан тайёргарлик ишлари жуда мураккаб ва муҳимдир. Ушбу масалалар хусусида бўлиб ўтган мунозара барча учун мақбул бўлган, сиёсий ислоҳот вазифаларига мос келадиган ечимлар топилади, деб умид қилиш имконини беради.

Олий Совет жойларда халқ депутатлари Советларига сайловни яқинлаштиришни ёқлаб фикр билдирганлиги ёдингизда бўлса керак. Республикаларда шундай иш олиб борилаётганлиги, сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳалари тайёрланаётганлиги, тез орада улар кенг муҳокама учун эълон қилиниши тўғрисида сизларни хабардор қилган эдик. Табиийки, уларга йўл очиб бериш учун Конституцияга тузатишлар киритиш лозим бўлади. Биз сизлар билан бу масалани муфассал ва атрофлича муҳокама қилдик. Бугун Олий Совет Президиуми ана шу тузатишларни бўлажак сессияга тақдим этишга тайёрлаш учун комиссия составини тасдиқлади. Съездга келганда шуни айтиш керакки, тузатишларни СССР халқ депутатларининг барчасидан сўраб чиқиш йўли билан тасдиқлаш мумкин бўлади. Бу эса сайлов кампаниясини ўз вақтида бошлаш ва ўтказиш имконини беради. Менимча, депутатларнинг ҳаммаси шундай фикрга қўшилмоқдалар. Бугун мен шу хусусда ўртоқ Попов билан суҳбатлашган эдим, регионлараро группанинг фикри ҳам ана шундай.

Умуман, ўртоқлар, биз СССР Олий Совети ўзини янгиланиб бораётган сиёсий системамизнинг обрў-эътиборли бўғини сифатида кўрсатди, деб айтишга ҳақлимиз. Унинг роли сезиларли бўлиб, бу шубҳасиз кучайиб бораверади. Бу хусусда менинг ҳеч қандай шубҳам йўқ.

Бу нарса зиммамизга юксак масъулият юклайди, комитетлар ва комиссияларнинг фаолиятини такомиллаштириш, совет парламентининг умумий маданиятини юксалтириш мажбуриятини юклайди. Олий Совет аъзолари ўзларининг депутатлик бурчларини хотиржам ва самарали адо эта олишлари учун маиший масалаларни ҳам тезроқ ҳал этиш лозим. Президиум аппарати мана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида жон куйдириши керак.

Бироқ Олий Советда ҳукм сурадиган муҳит ҳаммадан кўра муҳимроқдир, албатта. Менинг назаримда, унинг, агар таъбир жоиз бўлса, рисоладагидек тартиб-қоидаси бир-бири билан маҳкам боғланган икки жиҳатни ўз ичига олади. Бу — бир томондан, мунозараларнинг мутлақ эркинлиги, ҳар қандай қарашлар ва позицияларни ифода этиш мумкинлиги ҳамда иккинчи томондан, иложи борича, бирлик асосида оқилона муштарак ечимга эришишга интилишдир.

Менимча, умуман съезднинг иши ҳам, Олий Советнинг иши ҳам гарчи муаммосиз бўлмасада, мана шундай руҳда ўтди. Лекин бошқа бир тенденция ҳам ўз таъсирини ўтказди. Яқинда бизга регионлараро группа тузилганлигини эълон қилишди. Аслида гап ижтимоий ривожланиш муаммоларига нисбатан қарашлар ва ёндашувлардаги табиий тафовутга қандайдир ташкилий шакллар бағишлашга уриниш тўғрисида боряпти. Регионлараро группадаги баъзи ўртоқлар ўзларини сўл радикаллар деб аташди. Бундан қандай маъно келиб чиқади -- бошқалар ўзларини марказчилар ёки ўнглар деб ҳисоблашлари ва ҳатто шундай деб эълон қилишлари керакми? Бундан иш қандай наф кўришини ҳозирча айта олмайман. Буларнинг ҳаммасини жуда пухта ўйлаб кўриш керак. Лекин бундай сунъий равишдаги ажралиш Олий Советимизнинг ҳал этишига тўғри келаётган аниқ-равшан масалаларда қарама-қарши туришга олиб келмайдими, шу тариқа сайловчилар, совет жамияти биздан кутаётган вазифаларнинг бажарилишини мушкуллаштирмайдими?

Очиғини айтганда, регионлараро группаларда авж олиб кетган ўша мунозарада (унинг баъзи аъзолари айниқса митинглар вақтида қилаётган иғвогарлик даъватларини эътиборга олмаганда) бу ерда СССР Олий Советининг минбаридан айтилиши мумкин бўлмаган бирон-бир фикр-мулоҳаза эшитилгани йўқ. Ажралиш эмас, балки жипслашиш кераклигининг энг яхши исботи шу эмасми, ахир. Модомики, ишимиз муштарак экан, қайта қуриш йўлида мамлакатни тангликдан олиб чиқишни, халқнинг моддий ва маънавий фаровонлиги даражасини юксалтиришни, социалистик ижтимоий тузумимизни янгилашни, унинг бор имкониятларини намоён қилишни биз ҳаммамиз ўзимизнинг олий бурчимиз, деб ҳисоблаётган эканмиз —агар биз ҳаммамиз шунга рози эканмиз, у ҳолда ҳамиша аҳдлашиб оламиз.

Биз айни шу йўлдан — кучларни бирлаштириш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш йўлида боришимиз кераклигига депутатлар қўшиладилар, деб ўйлайман. Бу нарса принципиал қарашларни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш мумкинлигини асло инкор этмайди. Олий Советнинг ўтган иш кунлари фикрларнинг хилма-хиллиги ҳаракатларнинг бирлиги учун тўсиқ бўла олмаслигини яққол кўрсатди.

Бўлажак ишларни ташкил этиш тўғрисида бир-икки оғиз сўз. Олий Советнинг кузги сессиясини афтидан, комитетлар ҳамда комиссияларнинг ишидан бошлаш мақсадга мувофиқ кўринади. Сизларга тарқатилган қонун лойиҳалари мажмуасини обдон «элак-элак қилиш», бундай ишни 18 сентябрь, душанба кунидаоқ бошлаб юбориш керак. Менимча, бунга ҳамма рози. Комиссиялар ва комитетларнинг бир ҳафталик иши палаталарнинг қўшма мажлисларига ҳам анча тайёр ҳолда келиш имконини беради -- мажлисларни 25 сентябрда бошлаш мумкин.

СССР халқ депутатларининг иккинчи съезди шу йилнинг қолган қисмидаги муҳим воқеа бўлиши шубҳасиз. Биз бу съездга ғоят пухта ҳозирлик кўришимиз керак. У муайян маънода Олий Совет ишига якун ясайди; съездга тақдим этиш режалаштирилаётган масалаларнинг кўпини кўчириш ёки кечиктириш мумкин эмас. Булар, аввало, конституцион қурилиш масалаларидир. Асосий қонунга киритилиши зарур бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар яқин вақт ичида аниқ ишлаб чиқилиб, таърифланиши лозим. Тегишли комиссия тузилган ва у ҳозирдаёқ ишламоқда. Мазкур масала Олий Советда муҳокама қилинганидан кейин у узил-кесил қарор чиқариш учун съездга топширилади.

Биз иккинчи съездда экономикани соғломлаштириш юзасидан катта, туб чора-тадбирларни ҳам қабул қилишимиз лозим. Ўн учинчи беш йилликда ва анча олис истиқболда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш керак бўлади. Қайта қуриш тақдири, бизнинг келажагимиз биз ана шу асосий йўналишларда ривожланишнинг энг муҳим талаб-эҳтиёжларини қанчалик мужассамлаштира олишимизга, мақсадларимизни имкониятларимиз билан уйғунлаштириб, бутун ишлаб чиқариш потенциалини сафарбар эта олишимизга талай даражада боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб олдинда катта, ғоят жиддий ишлар турибди. Мамлакат олдида турган муаммоларнинг ўткирлиги, биз биринчи навбатда ҳал этишимиз лозим бўлган ғоят зарур вазифалар ана шу ишларнинг мазмунини, маромини белгилаб бермоқда.

Азиз ўртоқлар, пировардида сизларнинг яхши дам олишингизни тилаб истак билдирмоқчиман. Ҳаммангиз яхши дам олишга муносибсизлар, деб ўйлайман. Сайловчилар билан учрашиш учун жўнаб кетадиган ёки комитетлар ва комиссиялардаги ишни давом эттирадиган кишиларга эса муваффақиятли натижалар тилайман.

Биринчи чақириқ СССР Олий Советининг сессиясини ёпиқ деб эълон қиламан.

# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Меҳнат коллективларида идеологик ва тарбиявий ишни бўшаштириб юборганлиги ҳамда жойлардаги вазиятни бошқара олмаганлиги шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Э. Рўзиевга қатъий кўрсатилди, секретарлар Б. Абдуллаев, Т. Часовских ўртоқларга кўрсатиб ўтилди. Социал масалаларни ҳал қилишда шаҳар ижроия комитети бўлимларининг иши устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги, йўллар ва автобус бекатларини ободонлаштиришдаги камчиликлар шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Д. З. Қориевга кўрсатилди, раис ўринбосари ўртоқ Д. Г. Насриддиновга кўрсатиб ўтилди.

Область партия комитетининг бюроси бошланғич партия ташкилотларига автомобиль корхонасининг техника ва фойдаланиш хизматлари ишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишдаги ўзибўларчиликка йўл қўйган КПСС аъзолари — бош инженер ўртоқ О. Л. Осин, бирлашма бошлиғининг ўринбосари ўртоқ А. А. Қўчқоров, Бекобод автомобиль корхонаси ҳайдовчилари составининг меҳнат ва дам олиши учун зарур шароитларни таъминлаш масалаларида коллектив шартноманинг бажарилишини уюштиришни назорат қилмаганлиги учун область касаба союз комитетининг раиси ўртоқ С. А. Даниэльянцнинг шахсий жавобгарлигини кўриб чиқишни топширди.

Область халқ контроли комитетига (ўртоқ А. И. Севастьянов) область автомобиль корхоналарида эҳтиёт қисмларни тақсимлашнинг мавжуд тартибини текшириш, бу ишда тартиб ўрнатиш ва айбдорлардан қаттиқ талаб қилиш, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл қурилиши министрлиги бошланғич партия ташкилотига тармоқ меҳнат коллективларидаги ахлоқий-психологик муҳитнинг аҳволини таҳлил этиш, министрлик аппарати коммунистлари орқали бу муҳитни соғломлаштириш юзасидан зарур чораларни кўриш топширилди.

Область ижроия комитети, Тошкент шаҳар ижроия комитетига министрлик билан биргаликда пассажир автотранспорти ишини яхшилашнинг махсус программасини ишлаб чиқиш, область касаба союзлари Советига касаба союз ташкилотлари куч-ғайратини етилган социал-иқтисодий масалаларни ўз вақтида ҳал қилишга йўналтириш, коллектив шартномаларни қабул қилиш ва бажариш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш тавсия этилди.

Область партия комитети бюроси шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига СССР Олий Советининг совет халқига Мурожаатномасини муҳокама қилиш бўйича кенг тушунтириш ишларини авж олдириш вазифасини юклади. КПСС Марказий Комитетида ҳар бир коммунистнинг қайта қуришдаги роли ва ўрни тўғрисида бўлиб ўтган кенгаш материалларини область партия ташкилотларида муҳокама қилишни уюштириш, меҳнат коллективларида социал муаммоларни ҳал қилиш аҳволини чуқур ва эътибор билан ўрганиш, бу муҳим ишда бефарқлик, лоқайдлик ва қатъиятсизлик кўрсатаётганларга объектив ва талабчанлик билан баҳо бериш керак.

Бюро мажлисида областдаги месхети турк аҳолиси ўртасида олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, областнинг партия ва совет органлари миллатлараро муносабатлар соҳасида вужудга келаётган жараёнларга мувофиқ аҳолининг бу қисми ўртасида ишни фаоллаштириб юбордилар. Бу гуруҳ билан боғлиқ бўлган масалалар ва муаммолар комплексини чуқур ўрганиш ташкил этилган, месхети туркларининг маданий-миллий эҳтиёжларини қондириш бўйича амалий чоралар белгиланди ва рўёбга чиқарилмоқда, туркларнинг область районларида ташкил этилаётган интернационал маданий марказлар фаолиятига жалб қилиш бўйича актив куч-ғайрат сарфланди. Фарғона воқеалари муносабати билан партия, совет ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари, кенг жамоатчиликни бундай иллатли ҳодисаларнинг область территориясида ёйилишининг олдини олишга сафарбар этиш юзасидан тадбирлар комплекси амалга оширилди. Кўрилган чоралар натижасида областда миллатлараро негизда тўқнашувлар бўлиши бартараф этилди. Бироқ турклар орасида Фарғона водийсида июнь ойининг биринчи ўн кунлигида тартибсизликларнинг тугамаганлиги, месхети турклари зич яшаётган жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари кучларининг кам сонлиги, шунингдек областда фарғоналик қочоқларнинг пайдо бўлиши оқибатида ўз хавфсизлиги учун оммавий қўрқув ва ҳавотирланишнинг пайдо бўлиши турк аҳолиси қисмларининг мамлакатнинг бошқа регионларига кўчиб кетишлари учун сабаб бўлди.

Ҳозирги вақтда партия комитетлари ишнинг дастлабки босқичида йўл қўйилган хатолар ва камчиликларни аста-секин бартараф этмоқдалар. Қалтис шароитларда партия, совет ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги қатъийсизлик фактлари ва лозим мувофиқлашишнинг йўқлиги, жамоат жойларда зарур тартибни таъминлашга суст эътибор бериш фактлари қатъий таҳлил қилинади ва лозим баҳо берилади. Миш-мишларга қарши кураш кечикиб бошланди, туркларнинг Фарғона водийсида яшовчи қариндош-уруғларининг тақдири ҳақида уларга оператив ахборот бериш масалалари ҳал қилинмади, дастлабки кўчиб кетиш жараёнларига етарли баҳо берилмади.

Шунга қарамай, айрим шаҳарлар ва районларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, турк аҳолисининг кўчиб кетишидаги салбий тенденцияларни тубдан бартараф этиш учун куч-ғайратларни активлаштириш юзасидан жиддий иш олиб борилмаяпти. Аҳолининг айрим қисмида туркларнинг областга қайтиб келиши мумкин эмаслиги ва уларнинг мамлакатнинг бошқа регионларига кўчиб кетиши муқаррарлиги тўғрисидаги кайфият бартараф этилмаган. Маҳаллий органлар шаҳарлар ва районларнинг социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўпланиб қолган муаммоларни суст ҳал қилмоқдалар.

Область партия комитети бюроси область партия комитети бўлимлари, шаҳар ва район партия комитетларига аҳолининг барча миллий гуруҳлари ўртасида олиб борилаётган ташкилий, сиёсий ва тушунтириш ишини месхети турклари зич яшаётган жойларда ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ҳолатини янада барқарорлаштиришга бўйсиндиришни топширди. Партия комитетлари, меҳнат коллективлари, сайланадиган партия, совет органлари олдига месхети туркларини область шаҳарлари ва районларига қайтариш, улар яшаётган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш, меҳнат, турмушни ва дам олишни ташкил этиш учун қулай шароитларни яратиб бериш юзасидан вазифалар қўйилди. Тошкент областидан сайланган СССР халқ депутатлари — коммунистларга месхети турклари муаммосини кўриб чиқиш билан шуғулланаётган СССР Олий Совети комиссияси ишига ҳар томонлама кўмаклашиш топширилди. Комиссия ишининг бориши тўғрисида, унинг номига келган талаблар ва таклифлар тўғрисида область меҳнаткашларини мунтазам хабардор қилиб туриш керак.

Область партия комитетининг бюроси мажлисида айрим бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Область ижроия комитетида

Область ижроия комитетининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида Оржоникидзе район ва Ангрен шаҳар ижроия комитетларининг озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш юзасидан олиб бораётган ишлари муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича сўзга чиққан докладчи — Оржоникидзе район ижроия комитетининг раиси Ҳ. И. Нурматов озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва аҳолини бу маҳсулотларга бўлган талабини қондириш борасида қилинаётган ишларга қисқача тўхталди.

Сўнгги йилларда районда деҳқончиликнинг кўпгина соҳаларида пудрат усули кенг қўлланилмоқда. Шунингдек пудратда ишлаётган чорвачилик ва паррандачилик фермаларининг сони ҳам бир мунча кўпайди. Тошкент шаҳри аҳолисини сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси бироз яхшиланганлиги билан ҳали бу соҳада жиддий камчилик ва нуқсонлар кўп. Сабзавот етиштириш турлари бўйича планлар бажарилмаяпти, хусусан гўшт, мева, картошка билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда. Сабзавот етиштириш плани асосан пиёз, карам ва помидор ҳисобига бажарилади.

Чорвачиликдаги аҳвол ҳам яхши эмас. Ҳозиргача ҳар бир бош қорамол ҳисобига бир центнер миқдорида озуқа бирлиги жамғарилди. Бу эса нормадагидан анча камдир.

Ушбу масала бўйича депутатлар группаси номидан сўзга чиққан Носиров район аҳолисининг аксарият қисми шаҳар типидаги посёлкаларда яшаганига қарамасдан, мева ва сабзавотнинг 95 фоизи, картошканинг эса 97 фоизи шаҳарга берилаётганлиги, район аҳолиси ушбу маҳсулотларни шаҳарнинг ўзидан харид қилаётганлиги ижтимоий адолатсизликни келтириб чиқараётганлигини таъкидлади.

Иккинчи масала юзасидан сўзга чиққан докладчи — Ангрен шаҳар ижроия комитетининг раиси С. Х. Холмирзаев меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш даражасини яхшилаш мақсадида ижроия комитет олиб бораётган тажриба ва унинг натижалари ҳақида гапирди.

Янгиликнинг моҳияти шундаки, бу ерда ишга жойлаштириш маркази тузилиб, унда шаҳардаги ишга лаёқатли барча аҳоли рўйхатга олинади, уларнинг ҳар бирига махсус ҳисоб варақалари очилган ва икки гуруҳга бўлиб чиқилган — меҳнат қилишга қодир ҳамда меҳнатга шароити юзасидан камроқ қодир бўлганларга. Иккинчи гуруҳга талабалар, билим юрти ўқувчилари, учтадан ортиқ фарзанди бўлган аёллар киради. Асосий мақсад биринчи тоифадагиларни иш билан тўла таъминлашдир.

Докладчи шунингдек, қишлоқ аёлларини ишга тортиш учун тўқишни ўргатадиган курслар очилганлиги, уларни битириб чиққанлар уйида якка тартибда меҳнат қилиш учун шартнома тузишлари мумкинлигини, турли кооперативларнинг сони кўпайганлиги ҳамда ишга жойлаштириш марказининг ишлаш тартибига кенгроқ тўхталди.

Мажлис сўнггида область ижроия комитети қишлоқ хўжалигидаги кўрсаткичлари ўтган беш йилликка нисбатан сезиларли даражада камайганлиги ва бундай аҳволни ўнглаш учун зарур чоралар кўрмаётган Оржоникидзе район ижроия комитетининг ишини қониқарсиз деб баҳолади. Аҳолини иш билан таъминлашни яхшилашнинг янги усулларини самарали қўллаётган Ангрен шаҳар ижроия комитетининг иши маъқулланди. Ана шу тажрибани областнинг бошқа шаҳар ва районларида ҳам кенг қўллаш тавсия этилди.

